

[www.xdp.uz](http://www.xdp.uz)

## 9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

# Мотамсаро она

хайкали пойида кўнгилдан ўтган саволлар, фикрлар, нидолар...

Майдоннинг Эзгулик аркасидан кириб, ўнг томонга юрсангиз, иккинчи она хайкали — Мотамсаро она хайкалига кўзингиз тушади. Онанинг мунгли сиймоси, оғир ўйга ботиб, ерга тикилган нигоҳига қараб, ҳар бир кишини юк босади, ғам босади, кўнглини оғриқли саволлар исканжага олади.



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган сурат.

Она хайкали пойида мангу машъала ёниб турибди, машъала эмас, балки урушда ҳалок бўлган жангининг юраги ёниб турибди, уриб турибди... Мангу машъала... Мангу мотам тутишга маҳкум она.

У кимнинг онаси? Брест қалъаси ҳимояси учун бўлган қирғинбарот жангда сўнги ўқи қолгунча жасорат кўрсатиб ҳалок бўлган жангинингми?

Украина фронтларида душманга қирон келтириб, жон берган мард жангининг

онаси? Ёки Беларус ўрмонларида партизанларга қўшилиб, афсонавий қаҳрамонликлар кўрсатган ўғлоннинг онаси?..

Эҳтимол, фашистларни ер тишлатиб, Берлинга етиб бориб, Рейхстаг деворига исм-шарифини, юрти номини гурур билан ўйиб ёзиб, энди соғ-омон уйга қайтаман, деб турган маҳал душман ўқига дуч келган, ёруғ орзулари, ниятлари ўзи билан кетган ғолиб жангининг онаси?..

Ўйлаб-ўйлаб бир қарорга келасан, киши: Бу она Ўзбекистондан узоқ юртларда

фашизм деган офатнинг йўлини тўсган, кўксини қалқон қилиб, бу бало-қазони ўз она юртига йўлатмаган мард жангининг онаси!

Россиянинг бепоён худуди, Украина, Беларус, Молдава, Болтиқбўйи мамлакатлари, узоқ Европа заминини фашизмдан озод қилишда қатнашиб, ҳалок бўлган 500 мингдан кўпроқ жангининг онаси. Урушда ҳалок бўлган жамикки Ўзбекистонлик жангчилар онасига ўрнатилган хайкал бу!

Ҳар йили айна шу кунларда Мотамсаро она хайкали пойи гулларга тўлади.

Мамлакатимизнинг барча вилоятларидан уруш қатнашчилари, ота-онаси ёки яқинларини урушда йўқотган оилалар вакиллари бу ерга ошиқшади, онага таъзим қилишади, ўтганларни эслашади.

Бу манзараларни кузатсангиз, юрак ёнади, кўнгли тилка-пора бўлади, кишини оғир ўй босади. Қаранг, юзларида ҳаётнинг оғир синовлари из қолдирган, кўксига жасоратларида дарақ берувчи медаллар ярақлаб турган қария қўлидаги бир дона чиннигулни хайкал пойига қўйди-да, бош эгиб туриб қолди. Шу тобда

унинг кўнглидан нималар ўтаётганикин?.. Эҳтимол, «Онажон, мени кечиринг, ўғлингизни асраб қололмадим», деб уэр сўраётгандир.

Сочлари оппоқ, озгиндан келган муштипар бир аёл қўлидаги гулдастани хайкал пойига қўйиб, жимгина бош эгиб ўтирди. Унинг кимлиги номаълум, кўнглидан қандай гап ўтаётгани ҳам. Эҳтимол, у «Онажон, мен ўша... бир ҳафтагина ўғлингиз билан бахтли яшаган келинингизман. Уни ҳамон қўтиб яшайман...», деб илтижо қилаётгандир?..

Бир гуруҳ ёшлар келди, қўлларида гулчамбар. Улар урушни кўрмаган бўлса-да, кинофильмлардан, китоблардан билишди, фашизм, уруш инсоният бошига солган қулфатларни. Уларнинг кўнгли нималар деб ўртанаётганикин? Эҳтимол, «Бувижон, сизнинг ўғлингиз қандай мард, жасур йигит бўлганини биз яхши биламиз. Биз ҳам сизнинг фарзандингиз бўламиз. Биз ҳам, керак бўлса, Ватан учун жон фидо қилишга тайёرمىз», деб ваъда беришаётгандир...

Мотамсаро она! У гапирмайди, сукут сақлаганича туради. Лекин ҳамма гап-сўзларни эшитишди, кўнглидаги ҳис-туйғуларни ҳам сезади. У сукут сақлаб гапирди, сукут сақлаб йиғлайди, қон ютади. У урушда фарзандларидан, севган ёридан, жигарбандлари бўлган ака-укаларидан ажралган оналарнинг дарду аламлари, армонларини ўз кўксига олган онадир.

Бу она хайкали атрофида доимо оғир сукунат ҳукмрон. Ушбу сукунат аро ўқлар овози эшитилади, замбаракларнинг, бомбаларнинг юракни ларзага солган ваҳимали овози эшитилади. «Ой бориб, омон қайтинглар», деган тиллақлар эшитилади... «Жон болам, жоним болам, ўн гулдан бир гули очилмай кетган болам, кувелик тўни киёлмай кетган болам», деган йиғилар эшитилади.

Мотамсаро она хайкали олдида бош эгинг, кўзни юминг, бутун вужудингиз қулоққа айлانسин. Шунда уруш даҳшатлари, қулфатлари кўз ўнгингизда намоён бўлади. Етим қолган болаларнинг ғамгин чехраларини кўрасиз. Ўн саккиз ёшида бева қолган минглаб гулда келинчақларнинг ўн-сиз йиғисини эшитасиз...

Шунда беихтиёр илоҳим, Юртимизга, тинчлигимизга кўз тегмасин, деган улғу ният кўнгилдан ўтади. Мотамсаро онанинг сўзларини эшитгандек бўласиз. «Урушнинг оти ўчсин, урушни лаънатланг, урушнинг олдини олинг. Болаларни асранг, оналарни асранг, Ватанни асранг... Ўзбекистонни асранг», деб илтижо қилмоқда у.

Бу сўзлар «Бизга тинчлик керак, омонлик керак», деган халқ онасининг сўзлари, даъвати, васияти. Оналар сўзи энг баланд сўз, оналар даъвати энг олий даъват, оналар васияти илоҳий васият!..

Сафар ОСТОНОВ

## ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ташиқлотлари, «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қаноти, Тарғиботчилар гуруҳи Хотира ва қадрлаш кўни муносабати билан турли маънавий-маърифий тадбирлар, икки авлод учрашувлари, давра суҳбатлари ўтказмоқда.

## Хотира — боқий, қадр — муқаддас

Самарқанд вилоят ҳамда Самарқанд шаҳар партия кенгаши «Нуроний» жамғармаси шаҳар кенгаши билан ҳамкорликда икки авлод учрашуви ўтказди. Унда ота-хоню онахонлар ёшлар билан дилдан суҳбат қуришди.

— Давлатимизда кексаларни ижтимоий муҳофаза қилиш, эъзозлаш, ғамхўрлик кўрсатишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда, — дейди Самарқанд тиббиёт институти проректори Яхшинов Аллайров. — Президентимизнинг 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чоратадбирлари тўғрисидаги фармониға асосан, кексаларимиз йилда бир марта ўзи учун мақбул муддатларда соғломлаштириш муассасаларида бепул даволаниш имкониятига эга бўлди. Бундай ишлар фахрийларни қўллаб-қувватлаш, уларга эҳтиром кўрсатишда ўзига хос аҳамият қарб этмоқда.

— Ҳақиқатан ҳам, кексалар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш олдимизда турган муҳим вазифалардан бири, — дейди ЎзХДП Самарқанд шаҳар кенгаши раиси Шонора Норкулова. — Шаҳримизда 41 нафар уруш ва меҳнат fronti фахрийси истиқомат қилмоқда. Уларнинг ҳолидан хабар олиб турибмиз, ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилияпмиз. Бу борадаги ишларимизни изчил давом эттиришимиз, кексалар, нуроний отахон ва онахонлар, айниқса, ёлғиз яшовчи қариялар манфаатлари билан боғлиқ ижтимоий лойиҳаларни амалга оширишимиз даркор.

Самарқанд шаҳрида яшовчи 86 ёшли уруш ва меҳнат фахрийси Фариддин ота Ғашимов тадбир сўнгиде ёшларни алқаб, дуога қўл очди:

— Умрларингдан барака топинглар, болаларим. Шу кунларга етказганига шўқр. Ишларинг доим бароридан келсин, ниятларингга етиб юринглар, илоҳим. Юртимиз тинч бўлсин, халқимиз ўртасидаги меҳроқубат ҳеч қачон қамаймасин...

Ана шундай тадбир Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туманида ҳам бўлиб ўтди. Туман партия кенгаши фаоллари депутатлар, врачлар малакасини ошириш институти вакиллари билан биргаликда Алишер Навоий номи маҳаллада истиқомат қилувчи фахрийлар ҳолидан хабар олишди.

Навоий вилоят партия кенгаши ходимлари эса Навоий шаҳридаги «Умид», «Баҳор» ва «Ёшлар» маҳаллаларида бўлишиб, у ердаги уруш ва меҳнат фахрийларидан кўнгли сўрашди. «Нуроний» жамғармаси, халқ депутатлари вилоят ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари вакиллари, бошланғич ташиқлотлар етакчилари иштирокидаги учрашувда кексаларга совғалар улашилди.

Юкори Чирчиқ туман партия кенгаши томонидан ўтказилган тадбирда ҳудуддаги барча уруш ва меҳнат fronti фахрийлари хонадонларига ташиқ буюрилди.

— 91 ёшдаман, — дейди Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Тошмурад Қосимов. — Яратганга шўқр, 6 фарзанд, 17 нева, 45 эварам бор. Уларнинг ардоғида ҳаёт кечираман. Юртбошимиз биз каби фахрийларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда. Халқимизнинг меҳрини ҳис қилиб яшаймиз. Ватанимиз тинч. Қаранг, осмонимиз мусаффо. Хўрлигимизга, тинчлигимизга ҳеч қачон кўз тегмасин.

Инсон хотираси ҳаммаша азиз. Жасорат унутилмайди. Улғу ёшга етган нуронийларни йўқлаш, уларга меҳр-оқибат кўрсатиш барчамизнинг бурчимиз.

Бундай тадбирлар мамлакатимизнинг барча ҳудудлари бўйлаб кўтаринки руҳда давом этмоқда.

Исломбек УМИРОВ,  
Латифжон МАНСУРОВ,  
Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА.

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши ташаббуси билан Оҳангарон туманида «Хотира — боқий, қадр — муқаддас» мавзусида ўтказилган давра суҳбатда ушбу сўзлар алоҳида таъкидланди.

## «Тинчликнинг қадрига етинг, болаларим!»

Тадбирда ёши улғу инсонларга алоҳида ҳурмат-эҳтиром ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш, турмуш шароитларини янада яхшилаш, аҳдоқлар хотирасини эъзозлаш, уларнинг жасоратини улғулаш ва абадийлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар жамиятимизда барқарорлик муҳитини мустаҳкамлаш, ёш авлодни маънавий қамолга етказишда муҳим омил бўлаётганини қайд этишди.

Айни пайтда Тошкент вилоятида уч юздан ортқ Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси истиқомат қилмоқда. Фронт ортида меҳнат қилган фахрийлар сони 5290 кишидан иборат. Уларнинг 98 нафари юз ва юз ёшдан ошган пирю бадавлат отахону онахонларимиздир.

— Президентимизнинг 2016 йил 18 апрелдаги «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармони фахрийларимизнинг кўнглини тоғдек кўтарди, — деди Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси Сирожиiddин Аъзамов. — Вилоят партия кенгаши, депутатлар томонидан «Хотира — боқий, қадр — муқаддас» деб номланган лойиҳа доирасида жойларда турли маънавий-маърифий тадбирлар, икки авлод учрашувлари, давра

суҳбатлари ўтказилмоқда. Уларда уч юз нафарга яқин Тарғибот гуруҳи аъзолари, юздан ортқ халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлари фаол иштирок этмоқда. Уруш қатнашчиларининг уйларига бориб, ҳолидан хабар олиняпти, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилмоқда.

Давра суҳбатиде нуронийлар Иккинчи жаҳон уруши йилларида бошидан кечирган кунлар, юртимиз ўғлонларининг жасур майдонларида кўрсатган жасоратлари ҳақида сўзлаб бердилар.

— Мислсиз йўқотишлар, талафот ва мусибатлар олиб келган бу уруш инсоният тарихидаги энг даҳшатли, энг қонли воқеа бўлганини ҳеч қим унутмайди, — дейди Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Бекмирза Абдулсоломов. — Урмининг ўтган йилларини хотирласам, кўз олдимга уруш даҳшатлари келади. Айни ўйнаб-қуладиган, шижоатга, гайратга тўлган йигитлик чоғимиз уруш даврига тўғри келди. Бу жуда катта фожиа, эҳ-ҳе, буни эсласам, юрагим орқага тортиб кетади, бугунги кунларимизга шўқро-на келтираман. Фарзандларимга, невараларимга «Тинчликнинг қадрига етинглар, мустақилликни асранглар», дея ўқтираман.

Меҳроҳ ДАРХОНОВ

## Қалбимиз ардоғидасиз

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Наманган вилоят кенгаши томонидан Хотира ва қадрлаш кўни муносабати билан ушбу мавзуда қатор тадбирлар ташкил этилди. Уларда алоҳида эътибор ёшларни ота-боболар кўрсатган жасоратга, Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга қаратилди.



Ана шундай тадбирлардан бири Наманган шаҳридаги «Нурафшон» маҳалла фуқаролар йиғинидаги бошланғич партия ташкилотиде ўтказилди. Электротар вакиллари ва партия фаоллари иштирокида ўтказилган тадбир доирасида бадий кеча ҳам ташкил этилди.

Ўлкашунослик музейидаги маданий-маърифий тадбир «Асрларга татиғулик хотиралар» деб номланди. Унда Иккинчи жаҳон уруши ва фронт ортида жасорат кўрсатган нуронийлар, меҳнат фахрийлари иштирок этди. ЎзХДП Наманган вилоят кенгаши, «Наманганская правда» газетаси, Ўлкашунослик музейи ва бир қатор жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбир жонли мулоқот тарзида ўтказилиб, ёшлар ва кексаларнинг учрашуви ташкил этилди.

Асосий тадбир Наманган шаҳридаги Хотира майдонида ўтказилди. Унда ЎзХДП Наманган вилоят кенгаши масъул

ҳодимлари, барча туман ва шаҳар кенгашлари раислари, ҳудудлардан ташриф буюрган кексалар, уруш қатнашчилари ҳамда «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоллари қатнашди.

Наманган вилоят кенгаши раиси Дилором Абдурахимова тадбирни очар экан, бугунги шўқули кунларда ўтганларни хотирлаш, кексаларнинг қадрига етиш бурчимиз эканини таъкидлади.

Тадбирда уруш ва меҳнат фахрийлари Умрзоқ ота Бойматов, Лидия Филатова, меҳнат фахрийлари Рислиқхон Избосрова, Турсунбой Қамбаралиев, Ўзбекистон Қаҳрамони Халчахон Мирзаева уруш йиллари ва бугунги дорилламон кунлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

«Истиқбол» ёшлар қаноти фаоллари тадбирда ўзига ташаббускорлик кўрсатди. Ёшларга хос шижоат, яратувчанлик ва ушўқоқлик уларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатида намоён бўлди.

### Асосий тадбир

Наманган шаҳридаги Хотира майдонида ўтказилди. Унда ЎзХДП Наманган вилоят кенгаши масъул ҳодимлари, барча туман ва шаҳар кенгашлари раислари, ҳудудлардан ташриф буюрган уруш қатнашчилари, кексалар ҳамда «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоллари қатнашди.

Тадбир якунида уруш ва меҳнат fronti фахрийлари эс-далик совғалари топширилди.

Гулруҳ ТОШМАТОВА,  
ЎзХДП Наманган вилоят кенгаши сектор мудир.

ХОТИРА АБАДИЙ,  
ҚАДР МУҚАДДАС

## Халқимиз жасорати

минг йиллар давомида унутилмайди

Иккинчи жаҳон урушининг дастлабки кунлариданоқ мажбуран ўз уй-жойини ташлаб, ўзга юртларга кетаётган аҳоли учун Ўзбекистон иккинчи ватанга айланган. Юртимиз бу даврда бир миллиондан ортиқ аҳолини ўз бағрига олди. Шунингдек, мамлакатимиз ҳудудида уруш йилларида эвакуация қилинган ўнлаб корхоналар жойлаштирилди.

Эвакуация қилинган аҳоли билан ишлаш катта меҳнат талаб қиларди. Шу боис республикада эвакуация қилинганлар билан шуғулланувчи махсус ташкилот тузилди. Улар юртимизга кўчиб келган аҳолини жойлаштириш, озиқ-овқат билан таъминлаш, тиббий ёрдам кўрсатиш масалалари билан шуғулланди.

Архив маълумотларида келтирилишича, 1941 йилнинг ноябрь ойигача биргина Украинадан Ўзбекистонга 54 минг нафардан

Константин Симонов куйидагича тасвирлаган: «Кечаларнинг бирида бу майдонда (Тошкент вокзали майдони назарда тутилган) минглаб кишилар ерларда юмалаб ётарди. Эрталабга қадар бу кишилардан бирортаси майдонда қолмади: ўзбеклар барчани ўз уйларида киритдилар».

Уша даврда яшаш учун мўлжалланмаган ерлар уй-жойларга айлантирилди. Кўчирилганларнинг асосий қисмига маҳаллий аҳолининг уйларида жой ажратилди.



ортиқ киши кўчириб келтирилган. Ўзбекистонга энг кўп Россия, Белорусия, Молдавия ва Болтиқбуйи республикалари фуқаролари кўчиб келган. Улар мамлакатимизнинг деярли барча ҳудудларига жойлаштирилган.

1942 йил баҳорига келиб Ўзбекистонга келганлар сони 716 минг нафарни ташкил этди. Уша пайтдаги манзарани рус ёзувчиси

Масалан, биргина ўша даврда 653 минг аҳолиси бўлган Андижон вилоятига 100 мингдан ортиқ аҳоли, шулардан 10 минг бола жойлаштирилди. Бу Андижонда ҳар бир 5 кишилик оила бир одамни қабул қилди, дегани эди. Уша пайтда замон жуда оғир бўлганига қарамайдан, халқимиз эвакуация қилинган инсонлардан ўз меҳр-мурувватини аямади.

Ўзбекистонга кўчирилган 200 мингдан ортиқ болага халқимиз томонидан кўрсатилган меҳр-оқибатни, дарҳақиқат, тарихий жасорат сифатида эътироф этиш лозим. Чунки ҳар бир оила қабул қилинган болага ўз фарзандидек муносабатда бўлиб, тарбиясидан тортиб, соғлиғига эътибор қаратди. Бу халқимизга хос бўлган фидойилик, инсонпарварлик, бағрикенгликнинг амалдаги кўриниши ҳисобланади.

Уруш йилларида Ўзбекистонга юзлаб Болалар уйлари (Меҳрибонлик уйлари) кўчиртилди. Бу муассасаларга корхоналар ва ҳўжаликлар томонидан иқтисодий ёрдам бериб турилди.

Иккинчи жаҳон уруши ҳақида сўз кетганда, унинг энг оғир юки хотин-қизлар зиммасига тушганини алоҳида таъкидлаш лозим. Қийин ва қалтис даврда аёлларнинг нозик елкаси мураккаб вазифаларни кўтаришга мажбур бўлди. Бу борада, айниқса, ўзбекистонлик хотин-қизлар алоҳида жасорат кўрсатишди.

Улар бу йилларда оғир техникаларни ишлатди, тракторларни бошқарди, темир йўл, қурилиш майдонларида фаолият кўрсатди. Саноат корхоналарида ўқ, қурулроғ ишлаб чиқаришда меҳнат қилди. Аёлларнинг фронт ортида туриб қилган матонатли меҳнати фашизм устидан ғалабага қўшган муносиб ҳиссаси, деб баҳолаш мумкин.

1941 йилнинг иккинчи ярмида Наманган вилоятидаги корхоналарда 230 аёл турли касбларни ўрганиб, механик, электр созловчи, ҳайдовчилик қила бошладилар.

1942 йил охирига келиб республика темир йўлларида қарийб 9 минг нафар аёл турли оғир ишларга жалб этилган. Биргина Самарқанд темир йўл станцияларида 1942 йил бошларида 127 хотин-қиз хизмат қилди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида аёллар ҳатто кончилиқ касбини ҳам эгаллашди. Умуман олганда, Ўзбекистон ишлаб чиқариш саноатида аёллар ҳал қилувчи кучга айланган.

1941 йил август-сентябрь ойларида Ўзбекистондаги машина-трактор станциялари ва механикаторлар мактаблари қошида очилган трактор ҳайдовчилари тайёрловчи курслар тингловчиларининг 80 фоизини хотин-қизлар ташкил этган эди. Масалан, бу курсни 1941 йилда тамомлаганларнинг 12 минг нафардан ортиғи аёллар эди.

Биргина Самарқанд вилоятидаги механизаторлар тайёрловчи курсларни 1943 йилда 3,9 минг тингловчи битирган бўлиб, уларнинг 85 фоизини аёллар ташкил этган.

Бу йилларда Ўзбекистон аёлларини бригадир, ҳўжалик раиси ёки ўринбосари этиб тайинлашга катта урғу берилди. Чунки асосий ишчи кўчини ташкил этган хотин-қизларни бошқаришда бу табдир кўл келарди. Тарихий маълумотларга кўра, 1943 йил охирига келиб, ўзбекистонлик хотин-қизларнинг 3500 га яқини колхоз раиси ўринбосари, 12 мингга яқини бригадир, 448 мингдан ортиғи звено бошлиғи бўлиб ишлаган.

Урушнинг сўнгги йилларида ҳам хотин-қизларнинг саноат ишлаб чиқариши ва транспорт соҳасидаги улуши ортиб борди. Агар 1940 йилда пахта тозалаш саноатига 30 фоиз хотин-қиз жалб этилган бўлса, 1945 йилда 70 фоизни ташкил этди. Озиқ-овқат саноатида мазкур кўрсаткич 43 фоиздан 62 фоизга, темир йўл транспортида 17 фоизга ортди.

Бундай тарихий далиллар халқимизнинг Иккинчи жаҳон урушидаги иштироки, фронт ортида кўрсатган мислсиз жасорати ҳақида сўзлайди. Ҳар қандай оғир шароитда ҳам матонат билан курашган, инсоний фазилатларини йўқотмаган, етимларни кучок очиб қўтиб олган халқимизнинг бу жасорати минг йиллар давомида келажак авлод томонидан ҳурмат билан тилга олинади.

**НОДИРА МУСТАФАЕВА,**  
**ЎЗР ФА Тарих институти катта илмий ходими,**  
**тарих фанлари номзоди.**

Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси, Миробод тумани ҳокимлиги, Тошкент темир йўл муҳандислари институти ҳамкорлигида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилган фахрийлар учун хайрия табдири ўтказилди.

УЧ АВЛОД  
УЧРАШУВИ

Тошкент темир йўл муҳандислари институти ректори М.Расулов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида ёши улуг инсонларга алоҳида ҳурмат-эътибор кўрсатилаётгани, жамиятимиздаги меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, ёшларни баркамол этиб тарбиялаш уларнинг ҳаётий тажрибаси муҳим ўрин тўтишини таъкидлади.

Фахрийларга бугунги тинчлик ва фаровонликка, ёш авлодни тарбиялашга қўшаётган улкан ҳиссалари учун миннатдорлик билдирилди, байрам совғалари топширилди.

Нуроний ёшларга юртимиздаги янгиланиш ва ўзгаришларнинг аҳамияти ҳақида сўзлаб берди.

— Ўзбекистонда бағрикенг дийрда яшаётганимдан фарланаман, — дейди **Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси, 94 ёшли Дмитрий Горбань**. — Мамлакатимизда турли миллат ва элат вакиллари ягона оила фарзандларидек ахилликда яшамокда. Бу Президентимиз юриётган оқилона сиёсат, ижтимоий адолат самараси. Ҳар тонгни оила аъзоларимиз билан тинч-осуда қарши оламиз. Ҳолимиздан хабар олиб туришадилар. Фарзандларимиз тинчлик улуг нёзмет эканлигини тушунираман. Кексаларга кўрсатилаётган меҳр-эътибор ва рағбатдан хурсандимиз.

Мўтабар отахону онахонлар тўкин байрам дастурхони атрофида яйраб суҳбат қўрди. Концерт дастури барчага хуш кайфият бағишлади.

**Ш.МАМАТУРОВА,**  
**ЎЗА мухбири.**

**Ғ.ҲАСАНОВ,**  
**ЎЗА мухбири.**

ИШ ЎРИНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ДАСТУРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ДОИРАСИДА ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЧОРАГИДА 167,4 МИНГТА ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛДИ. УЛАРНИНГ 57,7 ФОИЗИ ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Ўзбекистонга кўчирилган 200 мингдан ортиқ болага халқимиз томонидан кўрсатилган меҳр-оқибатни, дарҳақиқат, тарихий жасорат сифатида эътироф этиш лозим.



## «МЕҲРИН ҲИС ЭТИБ ЯШАЯМИЗ»

Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги Муқимий номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида Хотира ва қадрлаш кўни муносабати билан хайрия табдири ўтказилди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Республика Маънавият тарғибот маркази, Маданият ва спорт ишлари бўлими, «Олтин мерос» халқаро хайрия фонди, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вакиллари ва Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, нурунийлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Таъдбирда сўзга чиққанлар уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийларини байрам билан

табриклаб, уларнинг жасорати ва фидокорона меҳнати туфайли бугунги тинч, осойишта, фаровон ҳаёт таъминланганини алоҳида таъкидлашди.

— 1941-45 йилларда фронтда бўлганман, — дейди **87 ёшли Олим Умрбеков**. — Урушдан сўнг турли вазифаларда ишладим. Мана шундай жаннатмакон заминда яшаб, дориламон кўнларга етиб юрганимизнинг ўзи — катта бахт. Бир бўлак нонга зор яшаган

вақтларимиз бўлган. Ҳозир қаранг, бозор-у дўконлар ноз-неъматлар билан тўла.

Ёшларимиз тинчлик қадрига етишлари керак. Биз ҳар доим давлатимиз эътибори ва ғамхўрлигини ҳис этиб тураемиз. Хотира ва қадрлаш кўни арафасида ҳар доимгидек Президентимизнинг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармони чиқди. Бундай иззат-ҳурматдан бошимиз кўкка етди.

Таъдбир якунида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийларига совғалар топширилди.

**Наврўз ШОДМОНКУЛОВ,**  
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## Олис уруш хотиралари

Президентимиз ҳар йили Хотира ва қадрлаш кўнида Иккинчи жаҳон урушида қатнашган, фронт ортида меҳнат қилган инсонларни эъзозлаш, ўтганларни эслаш, ҳаёт бўлганларнинг ҳолидан хабар олишдай эзгу ишлар барчамизнинг энг муқаддас фарзандлик бурчимиз эканлигини, бугунги куннинг қадрига етишимиз учун кечаги кўни унутмаслигимиз, тинчликни асраш, ташқи таҳдидларга қарши кураш ғояси доимий шиоримиз бўлишини қайта-қайта таъкидлайди.

Дарҳақиқат, дориламон кўнлар шукронаси, истиқлолимиз туфайли эришган ютуқлардан бахтиёрлик ҳисси ҳар бир юракда акс-садо бермоқда.

Бахтли ҳаёт неъматларидан баҳраманд бўлаётган фронт ва фронт орти қатнашчилари олис уруш хотираларини шундай эсладилар: **Нурулла АБДУЛЛАЕВ, 1-гурӯх ногирони, Қорақалпоғистон Республикасида, 91 ёшда.**

— Мен Ҳўжали педагогика билим юртининг 1-курсда ўқиб юрганимда ҳарбий-спорт секциясига қатнардим. Вилоятлараро мусобақада мерганлик бўйича биринчи ўринни эгаллаб, бош совринга эга бўлдим. 1942 йилнинг март ойида дўстларим — Ҳўраев Довумчор, Иван Ильиних, Григорий Юсупов билан бирга урушга олишларини сураб, ҳарбий комиссариатга ариза ёзиб бердик. Ушанда ўн етти ёшли йиғитчалар эдик.

Мени 2-Украина фронти полкининг биринчи батальонига взвод командири қилиб юборишди. Кейин рота командири бўлдим. Харьковда бўлиб ўтган шиддатли жангларда ярадор бўлиб, госпиталда ётиб чиқдим. Бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Днепр дарёсини ҳўжум билан кечиб ўтаётган пайтимизда, фашистлар тўртинчи мартаба мудофаа чизигидан биз турган оқоларгача бостирик келишди, қўл жангига киришиб кетдик.

Улардан бировини қарабиннинг қўдоғи билан уриб қўлатдим, шунда оқолардан бошқаси ханжар санчди. Жон аччиғида қайрилиб, уни ҳам йиқитдим. Ханжарни елкамдан сўғуриб олдим (ўша ханжарни бундан уч йил олдин ИИБ жанговор шўхрат музейига топширдим). Шунда алоқачи келиб, вазифа бажарилгани, иккинчи мудофаа чизигига чекинишга топшириқ бўлганини айтди. Артиллерия ҳўжуми бошланиб, фашистлар улоқтириб ташланди.

— Жонингга ким оро кирганини биласанми, — сўради алоқачи. — Ҳўюртинг, артиллерия қисми командири лейтенант Рустам Мўхаммедов!

Мени госпиталга олиб кетишди. Мўхаммедов билан бир йилдан кейин танишиш насиб этди.

1945 йил 2 майда Рейхстаг деворида «**Лунёв Михаил. Қарақалпақистон**», деган ёзув бор экан. Унинг ёнига мен ҳам «**Н.Абдуллаев. сын Ходжейли**», деб имзо чекдим. Ғалабадан кейин 1948 йилгача «Кўринмас фронт» зобити сифатида халққа тинчлик бермаётган бандерачиларни, «Ўрмон биродарлари» деб ном олган бандитлар гуруҳини тутатиш билан шуғулландик.

Тинч ҳаётга қайтиб, аввал Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида, кейин прокуратура, адлия вазирлигида турли вазифаларда ишладим. Бир инсон умрини яшадим. Тилагим — фарзандлар, ёшлар, нева-неваралар ҳеч қачон урушни кўришмасин, бу тинч ҳаётнинг қадрига етсинлар. Баъзан икки-уч соатгина ухлаб олардик. Эраклар урушга кетган, аёллар ва болалар далада ишлардик. Урушдан кейин мактабни тугатган, Қишлоқ ҳўжалиги институтида ўқидим. Бир умр қишлоқ ҳўжалиги соҳасида меҳнат қилдим.

Бир кўни районга чақириб, қўлимга қандайдир ҳўжжат тутказишди. Қарасам, 1942 йилдан фронт орти иштирокчиси сифатида колхозда ишлаган, деб ёзилган ҳўжжат экан. Кўзимдан ёш чиқиб кетди. Шўнчалик қадримни баянда қилган давлатимизга, Президентимизга раҳмат. Инсонни шўнчалик улуғлайдиган, кексаларига иззат-ҳурмат кўрсатадиган мамлакат, халқимиздай меҳр-оқибатли халқ дунёда йўқ. Илоҳим, ҳеч қачон ҳеч қимдан кам бўлмайлик, юртимиз доим тинч, ҳаётимиз бундан-да фаровон бўлсин.

**Нуруллоҳ ДОСТОН**  
**ёзиб олди.**

■ КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ  
ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Энг муносиблар  
сайланмоқда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг шу йил 5 мартдаги қарорига мувофиқ, Самарқанд вилоятида ҳам фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови ўтказилмоқда.

Вилоятдаги 1245 фуқаролар йиғинида ушбу муҳим жараёнга пухта ҳозирлик қўрилди. Сайловни ташкил этиш ва ўтказишга қўмаклашувчи вилоят, туман ва шаҳар комиссиялари, ишчи гуруҳлар томонидан аҳоли ўртасида тушунириш-тарғибот ишлари олиб борилди. Маҳаллада яшовчи фаол ва ташаббускор кишилар орасидан фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодлар кўрсатилди. Ҳар бир кўча, қишлоқдан вакиллар йиғилишида иштирок этувчилар рўйхати шакллантирилди.

Жомбой туманидаги «Саричашма» маҳалла фуқаролар йиғини раиси

ва унинг маслаҳатчиларини сайлашга бағишланган вакиллар йиғилишида 41 сайловчи иштирок этди. Фуқаролар йиғини раислигига кўрсатилган икки номзодга амалдаги таъдбиркорлигини мустақамлаш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган масалалар ҳақида сўз юритди. Саволларга жавоб қайтарди.

Епиқ овоз бериш йўли билан ўтказилган сайлов натижаларига кўра, Улуғбек Нодиров «Саричашма» маҳалла фуқаролар йиғини раиси этиб сайланди. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси маслаҳатчилари лавозимларига кўрсатилган 16 номзод орасидан 8 нафари очик овоз бериш шаклида маслаҳатчиликка сайланди. — Маҳалла фуқаролар йиғинида масъул котиб вазифасида 20 йилга яқин фаолият юритдим, — дейди «Саричашма» маҳалла фуқаролар йиғини раиси **У.Нодиров**. — Маҳалла ҳаёти ва аҳолининг турмуш тарзи билан танишман. Маҳалладошларим мени раисликка муносиб кўрган экан, иш фаолиятимда уларнинг ишончини оқлашга ҳаракат қиламан.

Вилоятдаги фуқаролар йиғинларида сайлов давом этмоқда.

**Ғ.ҲАСАНОВ,**  
**ЎЗА мухбири.**

